

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 14 август • № 32 (1053)

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан


МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН

ХАЛҚНИНГ САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМДИР

Мамнуният билан айтишимиз муҳимки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, аҳоли саломатлиги ҳамда унинг турмуш фаровонлигига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик бугунги кунга келиб ўз натижасини бераётганлиги айтиш ҳақиқатдир. Айниқса, давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг намунаси йўлга қўйилганлиги халқимизни янада мамнун қилмоқда. Зеро, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кўп йиллардан буён анъанага айланиб келаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» саломатлик ҳафталиги ҳам ўз нуфузига эга бўлиб, аҳолининг тиббий хизматга бўлган ишончини янада оширмоқда. Шундай экан, таъкидлашимиз лозимки, мазкур шиор остида ўтказилаётган бундай ижтимоий акция республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолини юқори малакали мутахассислар иштирокида тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш ва касаллиги аниқланган шахсларни соғломлаштириш ҳамда касалланиш кўрсаткичларини камайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Кесаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокорлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқ жараёнини фаоллик билан давом эттириб келмоқдалар. Навбатдаги ижтимоий акция энг улуғ ва энг азиз байрам – Истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида ўтказилаётганлиги ҳам чуқур мазмун ва моҳиятга эга. Чунки, инсон

қадрли улуғланган бу юртда мустақиллик нашидасининг олий неъматини кўриш ҳар бир юрtdошимиз учун катта бахт эканлиги кундан-кунга яшнаб бораётган она юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётганлигидан далолатдир. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, анъанага айланиб қолган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилаётган наватдаги ижтимоий акция Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 10 августдан республикамиз миқёсида бошланди.



Мазкур тадбирда республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг 300 нафардан зиёд фан

докторлари, профессорлари, доцентлари ҳамда малакали шифокорлари вилоятларда бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар. Кенг миқёсда ўтказилаётган

ушбу тадбир ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Бунда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга

(Давоми 2-бетда).

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРДА

– Жорий йилда Бухоро тиббиёт коллежини битириб, Бухоро туманидаги «Шергирон» қишлоқ врачлик пунктида иш бошладим, – дейди ҳамшира Моҳигул Шодиева. – Эл саломатлиги йўлида меҳнат қилаётганимдан хурсандман.

Мазкур қишлоқ врачлик пунктида тиббий хизмат сифатини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт йўналишидаги таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Малакали шифокор ва ҳамширалар ёш мутахассисларга «устоз-шогирд» анъанаси асосида тажрибаларини ўргатмоқда. Таъкидлаш жоизки, бирламчи тизимда иш бошлаш ҳар бир ҳамшира, қолаверса шифокор учун катта масъулият юклайди. Айниқса, аҳоли билан иш олиб боришда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳамшираларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар фаолиятлари давомида билим ва тажрибаларини ошириб борадилар. Шундай экан, мазкур қишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилаётган ёш мутахассисларнинг ишлаши учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Моҳигул каби ўз касбини севган, эл саломатлиги йўлида ўз бурчи деб билан ҳамширалар сафи кенгайиб, уларнинг астойидил меҳнатлари туфайли аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари камайган ҳолда халқимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, турмуш фаровонлиги янада ошиб бораверади.

Сурат муаллифи
Тоҳир ИСТАТОВ. (ЎЗА).



Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН

Халқнинг саломатлиги мустаҳкамдир



Асалхон ДАВРОНОВА,
Оқ олтин тумани,

Усмон Носир номли фермер хўжалиги фуқароси:

– Авваломбор, биздек инсонларнинг саломатлигимизни ўйлаб, катта имконият яратган Юртбошимизга, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Айниқса, марказдан келган тажрибали кардиолог Вадим Пак, тиббиёт фанлари номзоди, малакали травматолог Муҳиддин Қодиров, офтальмолог Абдулла Аҳоровларнинг қабулида бўлганимда, уларнинг тажрибага бойлиги, муомала маданияти ва муҳим маслаҳатлари саломатлигимга бўлган ишончимни янада орттирди. Шу ўринда айтмоқчиманки, туман тиббиёт бирлашмасидан анча олисда бўлганлигимиз сабабли, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳокимликлар томонидан келиб-кетишимиз учун махсус автоуловнинг ажратилганлиги, бу албатта, биз каби кексаларга бўлган яна бир эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

рига даволаниш учун йўланмалар берилди. Давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимликлар ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида олиб борилган бундай савобли иш келажак фарзандларимиз соғлом ва баркамол ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Вадим ПАК,
В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази кардиолог-врачи:

– Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида туб ўзгаришлар бўлиб, мазкур йўналишда кўпгина амалий ишлар билан бир қаторда, изчил ислохотлар самарасида катта ютуқларга эришилмоқда. Бу жараёнда албатта, соғлом авлод баркамоллиги, она-бола муҳофазаси, соғлом оилани шакллантириш каби устувор вазифалар ётади. Бу эса биринчи навбатда тиббиёт ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Тиббий кўрик давомида аҳолининг аксарият қисми қон босими касалликлари, юрак-ишемик касалликлари билан оғриганлиги маълум бўлди. Гулистон шаҳри, Сирдарё тумани аҳолисини ҳам тиббий кўриқдан ўтказиш давомида айрим беморларда юрак касаллигининг оғир турлари аниқланди ва зарурий даво муолажалари кўрилди. Айниқса, қабулимда Оқ олтин туманида истиқомат қилаётган аҳолининг кўплиги, уларнинг ўз саломатлигига бўлган эътибори юқори эканлигини билдим. Қабул жараёнининг ўзида касалликнинг оғир тури билан оғриган икки нафар бемор ўша вақтнинг ўзида шошилиш шифохонага ётқизилди. Даволанишга муҳтож бошқа беморларга эса керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Бу каби кенг аудиториядаги ижтимоий акция инсон саломатлигини муҳофазаси қилишда муҳим ўринга эга эканлигига гувоҳ бўлдим.



Саломат АБДУЛҲАКИМОВА,
Оқ олтин тумани фуқароси:

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик хизматларидан баҳраманд бўлганимдан хурсандимиз. Ушбу кўриқда кардиолог, невропатолог, терапевт, травматолог, окулист, УТД, флюорография мутахассислари қабулида бўлиб, саломатлигимизда жиддий ўзгаришлар йўқлигини ва уларнинг маслаҳати билан соғлом турмуш тарзига эътибор қаратишимиз муҳим эканлигини тушуниб етдим. Айниқса, Республика кўз касалликлари клиник шифохонасидан келган тажрибали офтальмолог Абдулла Аҳоров қабулига кирганимда, кўз соҳамда жиддий ўзгаришлар йўқлигини, шунингдек, ёшимга нисбатан керакли муолажалар олишим муҳимлигини билиб олдим.



ши, вилоят ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарларининг ҳамкорликлари боис, тиббий кўриқдан кутилган натижалар ўз ифодасини топиб, аҳоли бундан мамнун бўлмоқда.

Ўзига хос кўтаринки кайфият билан бошланган ушбу тадбир жараёнлари билан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятида ўтказилаётган фаолиятлар билан танишиб, соҳа мутахассислари ҳамда аҳоли билан суҳбатда бўлдик. Аввало, Оқ олтин туман тиббиёт бирлашмаси дарвозасидан кириб борар эканмиз, кўзимиз махсус флюорография хизмати машинасига тушди. Навбат кутиб турганларнинг саноғига етиш қийин эди. Шунингдек, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ичкарасига кирганимизда, чуқурлаштирилган тиббий кўриқка ташриф буюрган фуқаролар гавжумлигини кўриб, уларнинг ўз саломатликларига бўлган эътибори нечоғлик юқори эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Камола САЛИХОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари:

– Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан ташкил этилган «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги чуқурлашган тиббий кўриқнинг самарали томони шунда бўлдики, беморлар саломатлигини тиклаш ҳамда кўплаб касалликларнинг олди олинишига эришилди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри, Сирдарё ва Оқ олтин туманларида истиқомат қилаётган болажонларнинг соғликлари текширилиб, ота-оналарига тегишли маслаҳатлар берилди. Уларда нафас йўллари, гижжа, таянч-ҳаракат аъзолари бузилиши, аллергия ва нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар аниқланди. Айрим болаларга республика клиникала-



Муҳиддин ҚОДИРОВ,
Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти травматолог-врачи, тиббиёт фанлари номзоди:

– Қабулимизга келган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида катталарда таянч ҳаракат аъзоларидаги касалликлар, остеоартроз, артроз, остеохондроз, болаларда эса сколиоз, ясситовонлик каби хасталиклар борлиги аниқланди. Уларга бу касалликларнинг ўз вақтида ол-



дини олиш муҳимлиги тўғрисида муҳим маълумотлар берилди.

Абдулла АҲОРОВ,
Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси офтальмологи:

– Гулистон шаҳри, Сирдарё ва Оқ олтин туманларида истиқомат қилаётган аҳоли орасида катаракта, глаукома, присбиопия, миопия, пролифератив диабетик ретинопатия каби касалликлар мавжудлиги аниқланди. Қабулимиздаги фуқаролар орасида соғломлари ҳам бор. Жараён давомида шу нарсага амин бўлдимики, маҳаллий шифо масканларида кўз касалликларини эрта аниқлаш учун барча шароит ва имкониятлар борлиги, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан берилган офтальмоскоп жамламаларидан самарали фойдала-

наётган тажрибали шифокорлар меҳнати мени ниҳоятда қувонтирди.

Шавкат ШОМУРОДОВ,
Сирдарё вилояти Оқ олтин туман тиббиёт бирлашмаси УТД врачлари:

– Кенг миқёсда ўтказилаётган бундай саломатлик ҳафталиклари аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда асосий ўринга эга бўлаётганлиги билан аҳамиятлидир. Туманимиз аҳолисини УТД текширувидан ўтказар эканман, уларнинг кўпчилигида буйрак шамоллаши ва яллиғланиш аломатлари, ўт қопи тош касалликлари аниқланган бўлса, айримларида эса ошқозон ости беши, буйракдаги пиелонефрит, яна бир қанча хасталиклар аниқланиб, керакли мутахассисларга юборилди. Албатта, юқори савияда ўтказилган ушбу тадбир биз врачларнинг касбий маҳоратимизни оширган бўлса, халқимизни эса ўз саломатлигига янада эътиборли бўлишга ундайди.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.



«Salomatlik-3»

loyihasi №4

Проект


«Здоровье-3»

Навоий вилояти:

Нурота тумани

СИФАТЛИ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА

замонавий аппаратуралар хизматидан аҳоли мамнун



Мустақиллик берган имконият туфайли барча соҳаларда бўлгани каби республика тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Кўзни қувонтирадиган, бир-биридан бежирим, замон талабларига мос шифо масканлари бугунга келиб янги қиёфа кашф этганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу боис, мамлакатимиз аҳолисининг саломатлиги ва турмуш фаровонлиги кундан-кунга яхшиланиб, жамиятимиз юксалиб бормоқда.

Шунингдек, ҳар йилнинг ўзига хос ном билан аталиши ва унинг замирида инсон манфаатлари ётганлиги чуқур мазмун ва моҳиятга эга. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон манфаати учун деган пурмаъно сўзларда айна ҳақиқатни кўрагимиз. Шу кунларда юртимиз бўйлаб истиқлолимизнинг 24 йиллигига катта тайёргарлик кўрилиб, эътиборга молик эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби хайрли ишлар соғлиқни сақлаш тизимида ўз ифодасини топаётганлигига гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Ислохотлар асосида босқичмас босқич амалга оширилаётган

фаолиятлар тиббиёт соҳаси ривожини янада такомиллаштириб, ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тиббиётдаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос масъулият ва машаққати борлиги барчамизга аён. Жумладан, бирламчи тиббиёт тизимида бўлган эътибор бундан мустасно эмас. Кўп йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳаларининг амалдаги фаолияти бирламчи тизимда ўз ифодасини топиб, аҳоли орасида касалликларнинг камайиши, тиббий хизматнинг сифати ҳамда халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ошди. Қувонарлиси шундаки,

давлатимиз томонидан Инвестиция дастурининг жорий этилиши пойтахтимиз, қолаверса, юртимизнинг чекка ҳудудларидаги шифо масканларини янгидан бунёд этиш, реконструкция қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг баробарида, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларига тақдим этилаётган замонавий диагностика аппаратуралари, тиббий асбоб-ускуналар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларнинг инсон саломатлигини муҳофазалашда, уларнинг узогини яқин қилишда ҳамда ортиқча сарф-харажатларни тежашларида катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида истиқлол берган имкониятларнинг маҳсулини кўриш ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Навоий вилоятининг Нурота ва Кони-мех туман тиббиёт бирлашмаларида хизмат сафаридан бўлиб қайтдик.

Навоий шаҳри марказидан анчагина узоқликда бўлган, табиати қалбга завқ бағишловчи, инсонлари эса дилга малҳам бўлувчи сўлим маскан – Нуротага кириб борар эканмиз, унинг баҳаво иклими-ю чашма-

нинг зилот сувлари эътиборимизни тортди. Хизмат сафаримиз давомида даставвал юртимиз, қолаверса хорижлик сайёҳлар эътирофига муносиб бўлган Нурота зиёратгоҳига қадам ранжида қилар эканмиз, унинг бетакрор гўзаллиги, нақшинкор масжидлари, нур таралувчи зилот сувларида сузиб юрган балиқларига қараб, она-табиатнинг бу каби мўъжизакорлигига тан бермай илож йўқ. Мазкур муқаддас қадамжодаги бунёдкорлик ишлари албатта, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётганлигини фахр билан тилга олган нуроталикларнинг дил сўзларидан англаб олиш қийин эмас.

Нурота туман тиббиёт бирлашмасига ташриф буюрганимизда, бир-бирдан мафтункор, дид билан бунёд этилган, қайта таъмирланган биноларни кўриб, бунёдкор халқимизнинг нима-ларга қодир эканлигини кўра олдик, десак хато бўлмайди. Инвестиция дастури асосида бирлашма бўлимларининг янги-ча қиёфа кашф этганлиги, шунингдек, ички ҳолатларининг замон талаблари даражасида дид билан қурилганлиги яққол кўзга ташланади. Шу ўринда айтишимиз жоизки, Инвестиция дастурининг муҳим жиҳати шундаки, туман тиббиёт бирлашмаларининг оптимизация қилинганлиги, бу албатта, аҳолига яратил-

ган энг катта қулайликлардан биридир. Мазкур туман тиббиёт бирлашмаси тўлиқ таъмирдан чиқарилгач, «Саломатлик-3» лойиҳаси бўйича режалаштирилган рақамли рентген, УЗИ аппаратлари, гастродиброскоп, отоскоп, офтальмоскоп/отоскоп, вазн ўлчагич, автоклав, музлаткич, пульсоксиметр ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, айна пайтда фаолиятда эканлиги иш жараёнида маълум бўлди. Шунингдек, янги ўрнатилган рақамли рентген аппаратлари, УТД ҳамда лаборатория жамламалари бўйича мутахассислар малакаси оширилганлигига ҳам гувоҳ бўлдик.

Аввало, 485 қабулга мўлжалланган уч қаватли бино эътиборимизни ўзига жалб этди. Бу туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси бўлиб, 2012 йилда Инвестиция дастури асосида реконструкциядан чиқарилган. Мазкур поликлиника 85 минг 771 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

– «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан ушбу шифо масканимизга 1 дона замонавий рақамли рентген аппарати, кўз ва ЛОР касаллик-

(Давоми 4-бетда).



«Salomatlik-3»
loyihasi №4
Проект
«Здоровье-3»

Навоий вилояти:

Нурота тумани

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш – дунёдаги энг улғу, энг савобли иш десам, ўйлайманки барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Ислон КАРИМОВ.

СИФАТЛИ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА


замонавий аппаратуралар хизматидан аҳоли мамнун



лари бўйича жамламалар, ЭКГ, стоматологик қурилма, шунингдек, 2 ва 3 датчикли УТД аппаратлари берилди. Ижтимоий аҳамиятга молик

дан текшириб борилмоқда, – дейди Нурота туман кўп тармоқли марказий поликлиника мудир Шавкат

Мухсин ота ҲАМРОЕВ, нафақахўр, 65 ёш:
– Истиқлолимиз берган имкониятдан биз қариялар қўлимиз доим дуода, шукроналик билан яшаймиз. Ҳеч бир замонда бугунги кунимизчалик меҳр-мурувват, ғамхўрлик ва юксак эътибор кўрсатилмаган. Халқимиз бу каби эзгу ишлардан мамнун. Айниқса, мен каби кекса инсонларни тиббий кўриқдан ўтказиб, улар саломатлиги йўлида тинмай ғамхўрлик кўрсатаётган, аввало, Юртбошимизга, қолаверса, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорларига ҳам миннатдорлик билдирамиз.



бўладиган барча текширув жамламалари тақдим этилди. Ҳозир танлаган лойиҳа доирасида аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилиб келяпман. Ҳоми-

нинг ўзига хос дид билан жиҳозланганлиги янада кўтаринки кайфият билан ишлашимизга имконият яратмоқда. Бундан ташқари, «Саломат-



беморларга бепул дори-дармонлар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, аҳолига фитобардаги маъданли дамламалар тақдим этилмоқда. 2015 йилнинг апрель ойидан буён рақамли рентген аппаратининг ишга туширилганлиги аҳоли саломатлигини сақлашда қўл келмоқда. Айни кунда 56 нафар шифокор, 206 нафар ҳамшира фаолият юритиб келмоқда. Поликлиника тор мутахассислар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Кексаларни эъзозлаш йилида пири-бадавлат отахону онахонларимизнинг саломатликларини доимий назорат қилиб, ўз вақтида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдамиз. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» ижтимоий акциясида ҳам фаол иштирок этиб, аҳоли кенг қатламининг саломатлиги тажрибали мутахассислар томони-

Халилов.

Муродилла ҚИЛИЧЕВ, Нурота туман тиббиёт бирлашмаси бош рентгенолиги:

– Авваллари шифохонамизда аҳоли учун бунчалик кенг имкониятлар бўлмаган эди. Айниқса, рентген аппарати ҳам тезкорлик ва сифатга хизмат қилмоқда. Бундан бир неча йиллар олдин мавжуд бўлган рентген аппарати кўп вақт ва ортиқча меҳнат талаб қиларди, бемор натижани кутишга тўғри келарди. Ҳозир-чи? Бугунга келиб, бундай ишларга ҳожат қолмади. «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилган Японияда ишлаб чиқарилган «Шимадзу» рақамли рентген аппарати фаолиятимизда анча қулайлик яратмоқда. Жараён тез ва самарали бажарилмоқда. Аппарат шошилиш ёрдамга муҳтож беморларни диагностика қилишда ҳам қатор афзалликларга эга. Жумладан, беморлар ва тиббиёт ходимларининг нурланишдан ҳимояланиши, яъни хавфсизлигини таъминлашда унинг аҳамияти катта. Шифокорларимиз шахсий дозиметрлар билан таъминланган. Беморларни тўғридан-тўғри мо-

нитордан кузатиш имконияти мавжуд. Рентген аппаратига химёя воситалари қўйилган. Бу қулайликни халқимиз теран англаб етмоқда. Бир сўз билан айтганда, биз бу яратилган қулайликлардан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришишимиз лозим.



ишларни жаҳон ҳамжамияти ҳам юксак эътироф этмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган миллий модель том маънода ўзини оқламоқда. Биргина марказий поликлиникамиз мисолида оладиган бўлсак, бундан бир неча йиллар олдин бу каби кенг имконият ва замонавий диагностика асбобуқуналарини тасаввур қилишимиз қийин эди. Таъкидлаш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида кўпгина амалий ишлар бажарилди. Энг муҳими, диагностика учун зарур барча тиббий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Умумий амалиёт врачлари фаолиятига зарур



ладор, фертиль ёшдаги аёллар, болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида олган билим ва тажрибаларимиздан унумли фойдаланмоқдамиз. Президентимиз биз каби ёшларга катта ишонч билдирган эканлар, ўз навбатида бизлар ҳам жамиятимиз тараққиёти ва халқимиз саломатлиги йўлида доимий хизмат қилишга тайёрмиз. Бу албатта, бизнинг асосий бурчимиздир.

Дилфуза ДАВЛАТОВА, Нурота туман кўп тармоқли марказий поликлиника офтальмолиги:

– Аввало, марказий поликлиникамиз Инвестиция дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилиб, янгича қиёфа кашф этганлиги ҳамда ҳар бир хона-

лик-3» лойиҳаси томонидан офтальмоскоп/отоскоп жамламалари, кўзойнақ таълаш учун линзалар тўплами, шунингдек, афторефрактометр аппарати ҳамда биомикроскопларнинг берилганлиги кўз соғасидаги касалликларни тўғри аниқлашда қўл келади. Бир кунда 50 дан ортиқ фуқарони текширувдан ўтказиш имкониятига эгамиз. Аҳамиятлиси шундаки, аҳолимиз олдинлари бир неча чақирим йўл босиб, вилоят марказига бориш эди. Эндиликда эса бунга ҳожат қолмади. Бирламчи касалликлар шу жойнинг ўзида аниқланиб, керакли даво муолажалари бериб борилмоқда. Глаукома ёки катаракта касалликлари аниқлансагина вилоят кўз касалликлари шифохонасига йўланма берамиз.

Асосий вазифамиз қабулимизга келаётган ҳар бир фуқарони илиқ кайфият билан кутиб олган ҳолда аниқланган касаллик бўйича чуқур маълумот бериш, ўз вақтида касалликни даволаб, сурункали бўлиб кетишига йўл қўймаслик зарурлигини тушунтириб боришдан иборатдир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Нурота туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва бўлимларнинг Инвестиция дастури асосида реконструкция қилинганлиги, замонавий тиббий асбоб-уқуналар билан жиҳозланганлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги, бу албатта, ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Навоий вилояти:

Конимех тумани

Азиза ҚАЛАНДАРОВА, Конимех тумани фуқароси:

– Вужудингдаги фарзандинг ривожланиши ва унинг жажжигина юраги уриб туришини ўз кўзинг билан кўриш нақадар катта бахт. Худди ана шундай бахтни, яъни иккинчи фарзандим соғ-саломат ривожланаётганлигини ушбу УТД аппаратида кўриб, хурсанд бўлдим. УТД врачлари Ҳазратул Текееванинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги ва ўз касбининг моҳир устаси эканлиги унинг илиқ муомаласидан кўриниб туради. Ана шундай шифокорларимиз кўпайиб, бахтимизга омон бўлсинлар. Шунингдек, Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўп сонли оналар номидан ўз мамнунлигимни билдириб қоламан.



НОЁБ АППАРАТЛАРДАН ТЎҒРИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК



Навоий вилоятининг Конимех туманида 29 минг 410 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга Конимех туман тиббиёт бирлашмасидаги бўлимларда фаолият юритаётган шифокор ва ҳамширалар сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Мазкур тиббиёт бирлашмаси 2012-2013 йилларда Инвестиция дастурга киритилган эди. Дастурга асосан капитал таъмирлаш ва янгидан қуриш ишлари амалга оширилди. Функционал диагностика, маъмурият, ошхона ва автоклав бинолари янгидан қурилди. Тўғруқ мажмуаси, шошилич тиббий ёрдам, болалар, юқумли касалликлар бўлимлари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Аҳолига амбулатория хизмати бўйича ту-



Зубаржод НАВРЎЗОВА, Конимех туман тиббиёт бирлашмаси лаборант-рентгенологи:

– Саккиз йилдан буён лаборант-рентгенолог лавозимида фаолият юритиб келмоқдаман. Барчамизга маълумки, бу йўналишда ишлашнинг ўзига хос қийинчилик ва масъулияти жуда катта. Истиқлолимиз шарофати билан республикамиз миқёсидаги кўплаб тиббиёт муассасалари тубдан ўзгариб, янги технологиялар билан таъминланмоқда. Шу жумладан, бизнинг тиббиёт бирлашмамиз, қолаверса, худудимиздаги 11 та қишлоқ врачлик пунктларида энг сўнги русумдаги аппаратуралар, тиббий жиҳозларнинг мавжудлиги аҳолига кўрса-



Ҳазратул ТЕКЕЕВА, Конимех туман тиббиёт бирлашмаси УТД врачлари:

– Тиббиёт соҳасида ишлаш, аввало, мутахассисдан билим, тажриба, қолаверса, инсонийликни талаб этади. Алло-маларимиздан бири шундай деган эди: “Шифокор аввал кўзи шифоли, қолаверса, очиқ юзи шифоли, минг хил дори-дармондан ҳам икки оғиз ширин сўзи шифоли”. Дарҳақиқат, ана шундай ширин амал қилиб ишлаш бугунги кун тиббиёт ходимининг олдида турган муҳим фазилатларидан бири деб биламан. Бунинг ифодаси сифатида айтмоқчиманки, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимида оламшумул ўзгаришлар бўлди. Соҳа ходимлари ишлаши учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, қабулимизга келаётган ҳар



мамимиз худудидида жойлашган 11 та қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, 150 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бунинг баробарида стационардаги даво муолажалари ва соғломлаштириш ишлари бирлашма тасарруфидаги 7 та бўлимдан иборат 100 ўринга мўлжалланган марказий шифохонада олиб борилади.

– Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, 2014 йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан рақамли рентген аппарати (дигитайзери билан), УТД, гастрофиброс-



тилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш билан бирга, касалликларнинг олдини олиш ҳамда халқимизнинг узоғини яқин қилмоқда. 2015 йилнинг апрель ойида “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан келтирилган рақамли рентген аппарати-дан аҳоли унумли фойдаланмоқда. Мазкур аппаратнинг афзаллик томонлари жуда катта. Унда ҳам графия, ҳам скопия қилинади. Бундан ташқари, дигитайзерларнинг фаолиятдаги ўрни олдинги иш фаолиятларимиздан тубдан фарқ қилади. Авваллари ишлов материаллари, ҳимоя воситалари



бир фуқародан меҳримизни дариг тутмаслигимиз, касаллиги тўғрисида керакли маълумотни тўғри еткази олишимиз зарур деб биламан. 2014 йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан бирлашмамизга 2-3 датчикли УТД аппарати берилди. Бу каби замонавий аппаратда ишлашнинг завқи ўзгача, унинг монитор ҳажми катта, тасвир рангли, таҳлилий натижаларни хотирасида сақлай оладиган, танадаги барча аъзоларни текширувдан ўтказиш имкониятига эга. Лекин ҳар бир аппаратнинг ҳам ўз меъёри ва техник сақловига эътибор қаратишимиз лозим. Бунинг биробарида УТД аппаратида бир кунда 25 нафарга яқин фуқароларни текширувдан ўтказиш мақ-



коп, пульсоксиметр, катталар ва болалар учун мўлжалланган тарози, автоклав, музлаткич, центрифуга, офтальмоскоп/отоскоп, отоскоп, кўзойнак танлаш учун линзалар тўплами, кўз шоҳпардаси ҳамда кўз рефракциясини аниқлаб берадиган афторефрактометр каби кўплаб ноёб аппаратуралар ҳамда тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, уларнинг барчаси айни кунда худуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш баробарида, касалликка тўғри ташхис қўйиш, лаборатория таҳлилларини сифатли ва тезкор аниқлашда ниҳоятда қўл келмоқда, – дейди **Конимех туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Рамазон Раҳматов.**



етарли эмас эди, аксарият қоронғи хоналарда химикатлар билан ишлашимиз соғлигимизга салбий таъсир кўрсатарди. Эндиликда эса, бундай қийинчиликларга чек қўйилди. Шунингдек, врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шахсий дозиметрлар, махсус мосламаларнинг мавжудлиги саломатлигимизни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз, албатта, мутахассис сифатида бундай ноёб аппаратлардан унумли фойдаланиш, қолаверса, бор билим ва тажрибамизни ишга солган ҳолда аҳоли саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишга тайёرمىз.



садга мувофиқдир. Ушбу УТД аппаратида қийналмай ишляпман. Чунки бу борада билим кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2013 йилда пойтахтимиздаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз малакамни ошириб қайтдим. Аҳолимиз бундай аппаратлардан фойдаланиш инсон саломатлиги учун нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етган ҳолда ишонч билан қабулимга келаётганликларни мени хурсанд қилмоқда. Сўнги русумдаги бундай ноёб аппаратлардан оқилона фойдаланиб, кўз қорачиғимиздек асрасаккина, улар бизга узоқ йиллар мобайнида хизмат қилади.

(Давоми 6-бетда).



«Salomatlik-3»
loyihasi №4
Проект
«Здоровье-3»

Ўқув-семинар

салликлар ҳамда шошилич тез тиббий ёрдам бўлимларида фаолият юритаётган педиатрлар ўқув-семинарда иштирок этдилар. Ўқув-семинари беш ва ўн кунликка мўлжалланган бўлиб, ҳар бир груп-

ёрдами кўрсатиш. Бу албатта, болалар стационарларининг врачлари учун кўп тарқалган касалликларни даволаш ишларига эътибор қаратишдан иборатдир. Ўқув-семинари давомида педиатрлар (тингловчилар)га

Самарқанд вилояти

касал болага диагностик ёндашув, йўтал ва нафас қийинчилиги билан боғлиқ бўлган ҳолатлар, диарея, иситма ҳамда озикланишнинг оғир бузилишлари каби мавзулар бўйича кенг тушунчалар бер-

БОЛАЛАРГА СТАЦИОНАР ЁРДАМ КЎРСАТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги амалий фаолиятлар ўзининг самарали натижаларини бериб, бу борада шифо масканлари жиҳозланиши билан бирга, кадрлар малакасини ошириш мақсадида ўн ойлик ўқув курслари, шунингдек, қисқа муддатли ўқув-семинарлари ҳамда узлуксиз таълим жараёнларининг навбатма-навбат давом этаётганлиги соҳа мутахассислари билим ва тажрибаси ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда лойиҳа доирасида вилоятлар кесимида «Болаларга стационар ёрдам кўрсатиш» мавзусида ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, мазкур семинар Навоий, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ўтказилиб, унда вилоятларнинг туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги болалар, юқумли ка-

пада 25 нафар тингловчи дарс жараёнларида қатнашиб келмоқда.

Мазкур ўқув-семинарига ойдинлик киритиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган ўқув машғулотларининг тренер ва тингловчилари билан суҳбатда бўлди.

Фарида АБДУРАҲМОНОВА, реаниматолог-врач, тренер (Андижон вилояти):
– Ушбу ўқув-семинарнинг ташкил этилишидан асосий мақсад, болаларга стационар

